



ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ШАХСНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ ШАРТЛАРИ

Абдуллажонов Нодир Боқижонович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишар вазирлиги

ТҚД ЖҚХ бошлиғи ўринбосари, полковник

E-mail: nodir.abdullajonov@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10807180>

ARTICLE INFO

Received: 05th March 2024

Accepted: 11th March 2024

Online: 12th March 2024

KEYWORDS

Қонун, конституция, кодекс, инсон ҳуқуқлари, тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлар, ошкора, ноошкора, маълумот, ахборот, абонент, почта, кўмакалушувчи шахс, жамият, давлат, ҳимоя, жиноят, шахсий ҳаёт, инсон шаъни, қадр-қиммати, зарар, нафақа, тўлов.

ABSTRACT

Мазкур мақолада юртимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлари, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш амалиётида юзага келаётган муаммолар, тезкор бўлинмалар томонидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш жараёнида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳақида фикрлар юритилган, шунингдек тезкор-қидирув фаолиятида ихтиёрий равишда кўмаклашаётган шахсларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини амалга ошириш жараёнидаги айрим муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Бош қомусимиз Конституцияда Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади [1;13-моддаси].

Юртимизда ҳозирги кунда содир бўлаётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа соҳадаги ислохотларнинг барчаси фуқароларимизнинг манфаатлари ҳамда демократик жамият қуриш йўлида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармонида асосан ҳамда ИИО жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш қидирув ишларини амалга оширишни такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди [2; Б-165].



Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Шу билан бирга, Конституциясида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкин [1;21-моддаси].

Ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқнинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади. 31-модда Конституцияни давлат билан инсон ўртасидаги шартнома дейиш мумкин. Маълумки, ҳар қандай шартномада тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланади[3]. Шунингдек, алоҳида таъкидлаш жоизки, тинтув ва телефон сўзлашувларини эшитиш ҳам суд томонидан белгиланиши, бунга қай даражада зарурият борлиги холис ва мустақил судья томонидан баҳоланиши лозим.

2019 йилда қабул қилинган “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонунда ҳам шахсга доир маълумотлардан фойдаланишга рухсат олган шахслар ушбу маълумот эгасининг розилигисиз унинг маълумотларини учинчи шахсларга ошкор этмаслиги ва тарқатмаслиги шартлиги белгиланган. Шунингдек, шахсий маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик мавжуд [4].

Юқорида санаб ўтилган ҳуқуқларнинг чекланиши фақат инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ҳимоя қилиш, шунингдек шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш бўйича хизмат мажбуриятларини амалга ошириш жараёнида суднинг санцияси асосида амалга оширилади ва бу фаолият тури тезкор-қидирув фаолияти ҳисобланади.

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда кўрсатиб ўтилган айрим тадбирлар инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайди, булар, турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш, абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш тезкор-қидирув тадбирлари сирасига киради.

Маълумки, мавҳум ҳолда содир этиладиган оғир ва ўта оғир жиноятларни, айниқса терроризм билан боғлиқ жиноятларни ўз вақтида олдини олиш, тўхтатиш ва уларни фош этиш, шунингдек, жиноятни содир этиб қидирувда бўлган шахсларни қидириб топишда тезкор бўлинмалар томонидан “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда белгилаб берилган тезкор-қидирув тадбирларини ноошкора усуллардан [5; 9-моддаси] фойдаланган ҳолда амалга ошириш ваколатлари берилган. Албатта, бу усулларда тадбирларни ўтказиш фуқаролар орасида чуқур муҳокамага сабаб бўлиб келмоқда.

Айрим инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши ҳамда



чекланишига йўл қўймаслик учун тезкор бўлинмаларнинг ноошкора тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ваколатларини тақиқлаш ёки максимал даражада чеклаш бўйича ўзларининг таклифларини киритишмоқда. Бошқа томондан эса, ноошкора тезкор-қидирув тадбирларидан фойдаланиш зарурати вақт билан исботланган бўлиб, тезкор-қидирув фаолияти вазифаларини фақат ошкора усулдаги тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш билан ҳал қилишнинг имконияти мавжуд эмас.

Бизнинг фикримизча, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг асосий вазифаси, бир томондан, давлат ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат функцияларини бажарилишини таъминлайдиган ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш ва уларни бенуқсон бажаришдан иборат.

Иккинчи томондан эса, ғайриқонуний тажовузлардан ҳамда инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларининг асосиз бузилиши ёки чекланишини истисно этади.

Тезкор-қидирув фаолиятини ўтказишда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилишнинг асосий кафолатларидан бири, бу ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган шахснинг Конституциявий судга тўғридан-тўғри мурожаат қилиш ҳуқуқининг мавжудлигидир.

Унга кўра, Конституциявий суд, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари муайян ишда қўлланилган ва Ўзбекистон республикасининг [Конституциясига](#) мувофиқ бўлмаган, ҳуқуқлари бузилган, деб ҳисобловчи фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг шикоятларини ҳам кўриб чиқилиши алоҳида тартибда белгилаб берилган [6; 4-модда].

Маълумки, манфаатдор шахслар (гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар) ташаббусига асосан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни нормаларига мувофиқлиги масаласи мунтазам равишда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг текшируви мавзуси ҳисобланади.

Сўнгги йилларда ушбу соҳасидаги қонунчилик амалиётининг тенденцияси тезкор-қидирув қонунчилигига тезкор-қидирув тадбирларни амалга оширишда, хусусан, суд қарори асосида амалга ошириладиган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини кафолатлайдиган ҳуқуқий нормаларини фаол жорий этиш бўлди.

Маълумки, тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат “Тезкор – қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунидир.

Шунингдек, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар “Прокуратура тўғрисида”ги қонун, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишга ваколатли давлат органларининг фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонунлар, шунингдек уларнинг идоравий норматив ҳужжатлари ҳисобланади.

Тезкор-қидирув фаолияти қонунчилиги нормаларини таҳлил қилиш ушбу фаолиятини амалга оширишда инсон ва фуқаро ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлайдиган кафолатлар тизими мавжудлиги ҳақида музокарага асос бўлади.



Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” ги қонуни, тезкор бўлинмалар томонидан тезкор-қидирув тадбирларни амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг шахсий ҳаётига тегишли, шаъни ва қадр-қимматига дахлдор маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этмаслиги, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминлаш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш, ўз ходимларининг ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга кўмаклашаётган шахсларнинг, шунингдек улар оила аъзоларининг хавфсизлигини, уларнинг мол-мулкни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлаш мажбуриятини назарда тутди [5; 13-моддаси].

Мазкур қонунда ҳар кимнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотлар ҳимоя қилинишига бўлган ҳуқуқини мустаҳкамлайди. Фуқаронинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар қонунда белгиланган тартибда тезкор бўлинмалар томонидан тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш давомида олинishi мумкин.

Шахсий ҳаёт ҳимоясига бўлган ҳуқуқ инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлардан бири бўлиб, у Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси [7; 12-моддаси] ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакти [8; 17-моддаси]да мустаҳкамланган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (кейинги ўринларда — БМТ) 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протокоliga кўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий кўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда [9].

“Шахсий ҳаёт” тушунчасига инсон ҳаёти ва фаолиятининг алоҳида бир шахсга тааллуқли ва фақат унга дахлдор бўлган ҳамда жамият ва давлат томонидан назорат қилиниши мумкин бўлмаган (агар у ғайриқонуний бўлмаса) соҳаси киради. Шахсий ҳаёт одамлар ўртасида оилавий ҳаёт, қариндошлик ва дўстлик алоқалари, ишқий ва бошқа шахсий муносабатлар, яқинлик, симпатиялар соҳаларида норасмий асосда муомала қилиш эркинлигида ўз ифодасини топади [10; Б-40].

Инсон шахсий ҳаётига оид маълумотлар ошкор этилишига олиб келадиган ҳаракатларни бажариш, ахборот тарқатиш, яъни бундай маълумотларга эга бўлмаган шахс ёхуд шахсларга уни етказиш тушунилади. Аммо, бундай ахборот жиноят иши юзасидан олиб борилаётган терговга далхдор бўлса, ушбу ахборотнинг тезкор-хизмат ҳужжатларида акс эттирилиши, бу маълумотлар билан жиноят ишини тергов қилаётган терговчи ёки суриштирувчининг таништирилиши ҳам ахборотни тарқатиш сифатида баҳоланиши мумкин эмас деб ҳисоблаймиз.

Инсоннинг шахсий ҳаётига оид маълумотларнинг ошкор этилишига фақат фуқароларнинг ўз розиликлари билангина йўл қўйилади. Бу Қонуннинг 13-моддасида алоҳида белгилаб берилган бўлиб, бундай розиликнинг мавжудлиги шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш ҳисобланмайди.



Шундай қилиб, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда тезкор бўлинмалар томонидан тезкор-қидирув тадбири ўтказилиши давомида аниқланган инсоннинг шахсий ҳаётига оид, шунингдек, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда яқиндан кўмаклашган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилмаслиги чораларини кўришлари шарт деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, тезкор-қидирув тадбири ўтказилаётганида меҳнат қобилиятини йўқотиш ва ногиронлик келиб чиқишига олиб келадиган шикастланиш сингари оғир оқибатларга йўл қўймасликнинг ҳар доим ҳам иложи бўлмайди. Шу сабабли ҳимоя чораси сифатида етказилган зарар учун товон пули тўлаш мажбуриятини бажариш масаласи кўриб чиқилади.

Масалан, тезкор-қидирув тадбирларида иштирок этиш оқибатида келиб чиққан меҳнат қобилиятининг йўқотилиши ва ногиронлик келиб чиқишига олиб келадиган шикастланиш юз берганида тегишли шахсга (ёрдамчига) бир марталик нафақа тўланади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ногиронлик бўйича пенсия тайинланади [10; Б-160].

Ушбу ҳолда компенсация тўловларини амалга оширишнинг мажбурий шarti тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилишида иштирок этиш сабабли мазкур оқибатларнинг келиб чиқишидир.

Қоидага кўра, тегишли тезкор-қидирув тадбирларни ўтказиш учун суднинг асосли қарори расмий ҳужжат ҳисобланади. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан бундай тезкор-қидирув тадбирни ўтказишнинг ҳақиқийлиги ва асосли эканлигини текшириб кўриши шарт бўлиб, бу тезкор-қидирув тадбири ташаббускори орган раҳбарининг асосли қарори билан расмий равишда тасдиқланиши керак деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, айрим ҳолларда судлар тегишли тезкор-қидирув тадбирларни ўтказиш учун асосларга оид тадбир материаллари билан танишиш ҳуқуқига эга.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ҳаракатлари унинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишига олиб келган деб ҳисоблаган шахс ушбу ҳаракатлар устидан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи юқори органга, прокурорга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Тезкор-қидирув тадбирларни, шу жумладан суд санкцияси асосида амалга ошириладиган тадбирларни ўтказишда инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилишнинг энг муҳим кафолати тезкор-қидирув фаолияти устидан прокурор назорати ҳисобланади [5; 27-моддаси].

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат прокуратура органларининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда унга бўйсунувчи прокурорлар сиймосидаги, уларнинг давлат томонидан белгиланган вазифаси ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятини белгиловчи асосий, етакчи функциясини ташкил этади.

Қонунлар ижро этилиши устидан назорат давлат томонидан унинг учун энг муҳим соҳалардан бири бўлган қонунийликни таъминлаш соҳасидаги назоратнинг энг самарали ва изчил шаклларида биридир. Прокурор назорати, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган амалдаги



қонунларнинг устуворлигини тасдиқлаб, шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишнинг амалий воситаси сифатида намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, давлатда қонун устуворлигини, қонунийликнинг бирлиги ва мустақамланишини, инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи субъектлар бўлган органлар ва уларнинг манфаатдор шахслари томонидан тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш чоғида ҳар қандай қонун бузилишларини ўз вақтида бартараф этиш ҳамда айбдорларни жавобгарликка тортиш орқали жамият ва давлатнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминланиш ҳар бир раҳбар ва ходимларнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023. <https://lex.uz/en/docs/6445145>. (мурожаат санаси 19.01.2024й.)
2. Бекмуродов Н.Н. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари. EURASIAN JOURNAL OF LAW, FINANCE AND APPLIED SCIENCES INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL SPECIAL SERIES «ADMINISTRATIVE-LEGAL REFORMS IMPLEMENTED IN THE SYSTEM OF INTERNAL AFFAIRS BODIES: RESULTS AND PROSPECTS. 2022. Б-165. <https://zenodo.org/records/7574894> (мурожаат санаси 18.01.2024й)
3. Худойбердиев З., Конституцияда давлатнинг мажбуриятлари уч мартага ортаётган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари уч ярим бараварга ортмоқда.2023. <https://daryo.uz/k/2023/03/14/konstitutsiyada-davlatning-majburiyatleri-uch-martaga-ortayotgan-bolsa-insonning-huquq-va-erkinliklari-uch-yarim-baravarga-ortmoqda-konstitutsiyaviy-komissiya-azosi-zafar-xudoyberdiyev>. (Мурожаат санаси 19.01.2024й).
4. Шарафутдинов Ш., Ҳар ким ўз шахсига доир маълумотларни ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.2023. <https://parliament.gov.uz/uz/articles/1490#!>
5. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-344-сон Қонуни
6. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 27 апрельдаги “Конституциявий суди тўғрисида”ги ЎРҚ-687-сон Конституциявий Қонунининг 4-моддаси <https://lex.uz/docs/5391934> (Мурожаат санаси 09.03.2024й).
7. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights> (мурожаат санаси 09.03.2024й.)
8. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. 1966 йил 16 декабрь, Нью-Йорк <https://lex.uz/docs/2640479> (мурожаат санаси 09.03.2024й.)
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6012-сон Фармони
10. Ҳамдамов А.А., Саитбаев Т.Р., Гордеев С.Н., Рашитходжаев Р.Т., Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига шарҳ.2015 й. Б-40